ИНСОННИ ТАВСИФЛОВЧИ КОННОТАТИВ МАЪНОГА ЭГА ЗООНИМЛАРНИНГ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ

М.МАМАСОЛИЕВА

В работе рассматриваются коннотативные значения и гендерный аспект зоонимов, характеризующих человека.

The present investigation is devoted to the analysis of connotative meaning and gender peculiarities of zoonyms characterizing people.

Тилшуносликнинг XIX-XX асрларда изчил ривожланиши унда янги – когнитив, лингвомаданиятшунослик, прагматика, гендер тилшунослиги каби йўналишларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Тил ва уни ташкил қилувчи тил бирликларининг ўзаро алоқадорлиги чуқур ўрганила бошланди.

Тилнинг лексик қатламида муҳим аҳамиятга эга бўлган зоонимлар, яъни ҳайвон номларининг инсонни тавсифлашда қўлланиши тилнинг тарихий қатламидан мавжуддир. Зеро, қадимда ибтидоий одамлар ҳайвонлар билан ёнма-ён яшаб, кун кечирган. Бу эса одамзод тилининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Бир қатор хорижлик ҳамда юртимиз тадқиқотчилари томонидан зоонимлар семантик-функционал, лексик-семантик ва структур-грамматик аспектларда таҳлил қилинган (А.М.Шчербак, Ю.П.Лясота, Ж.Матёқубов, Г.Ҳакимова), аммо мазкур муаммога оид диссертация ёки монографияларнинг ҳеч бирида киши хусусиятини тавсифловчи зоонимларнинг гендер жиҳатлари ўрганилмаган.

Гендер тилшунослиги тилнинг янги пайдо бўлган йўналишларидан бири эканлиги, тил бирликлари, шу жумладан, инсонни тавсифловчи маълум бир ҳайвон номининг айнан аёл ёки эркакка нисбатан коннотатив маънода қўлланишини тасниф қилиш масаласи тилда чуқур таҳлил қилинишга муҳтож. Зеро, зоонимлар тилнинг фаол лексикасида муҳим аҳамиятга эга бўлган, тил ва нутқ доирасида турли лексик-семантик муносабатларга ойдинлик киритувчи бирликлардир.

Шуларни ҳисобга олиб, ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги инсонни тавсифловчи зоонимларнинг гендер хусусиятларига тўхталиб ўтамиз.

Сўзловчи ўзининг ҳис-туйғуларини тўлақонли ифодалаш учун мулоқот шакли ва сўз танлаш имкониятига эга. Ўзида образлилик, эмоционаллик, экспрессивлик, баҳолаш каби хусусиятларни мужассамлаштирган зоонимлар инсонни тавсифлашда психологик ва тарихий планда жиддий аҳамият касб этади. Инсоннинг ички ва ташқи дунёсини, ижтимоий ўрнини, жисмоний ҳолатини ифодаловчи ҳайвон номлари ҳам жонли нутқда, ҳам бадиий адабиётларда тез-тез учраб туради.

Зоонимларда денотатив ва коннотатив маънолар мавжуд бўлиб, улар нутқда намоён бўлади. Зоонимларнинг денотатив маъноси уларнинг умумий белгисини, яъни ҳайвонот оламининг қайси турига мансуб эканлигини билдирса, коннотатив маъно уларнинг ижобий ёки салбий субъектив баҳо маносида қўлланилишига боғлиқ бўлади. Лексемаларнинг денотатив маъноси бир хил, аммо коннотатив маънолари бир-биридан тубдан фарқ қилишига сабаб ушбу денотатнинг (яъни ҳайвоннинг ўзи) турли жамият ҳаётида тутган ўрни, демак, муайян жамият аъзоларининг бундай денотатга нисбатан хусусий муносабатлари билан боғлиқдир. Зоонимларнинг коннотацияси “яширин” тарзда намоён бўлиб, унинг маъноси номи айтилган ҳайвон хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ўзида коннотацияни мужассамлаштирган тил бирликлари айни пайтда муайян миллатнинг маданияти ҳақидаги маълумотларни сақловчи, шу маданият эгаси бўлган миллатнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб турувчи лисоний бирликлар ҳамдир. Маълум сўзнинг коннотациясида ассоциатив-образли, квалификатив ва ҳиссий (эмотив) маънолардан бири ётади. Коннотатив маънога эга тил бирликларининг миллий маданият билан алоқадорлиги, ундаги баҳолаш, эмотивлик, антропометрия каби хусусиятлар бу бирликлар миллий лингвокультурологияда гендер фарқларни очиш учун муҳим воситалардир.

Биз луғатлар таҳлили натижасида айрим тиллардаги маълум бир зоонимнинг коннотатив маъноси фақат аёлларга хос хусусиятларни очиб бериш учун қўлланса, айнан ўша ҳайвон номининг ўзбекча муқобили аёл ҳамда эркакка хос жиҳатларни тавсифлашда қўлланиши мумкин деган хулосага келдик. Масалан: инглиз тилидаги ***fox*** – зоонимида иккита кўчма маъно мавжуд; *1) someone who is clever at tricking people 2) a woman who is very sexually attractive*. Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, ушбу зооним эркак ва аёлга бирдек *маккор* ва *ҳийлагар* маъноларида ишлатилади. Луғатларда ***goose*** лексемаси *парранда, уй ҳайвони* каби денотатив маъно билан бирга *silly person, stupid man* каби салбий коннотатив маънога ҳам эга. Инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилидаги ***ғоз*** лексемасида *кеккайган, гердайган* каби салбий ҳамда *мағрур, ғурурли* каби ижобий баҳоли кўчма маънолар мавжуд. Ёки ўзбек тили матнидаги *илон* лексемасининг маъно тармоқланишида *айёр, маккора аёл* каби концептуал маънолар вужудга келади.

Тунда шеър айтишдик капалак билан
Ялпизни алқадим, гулни алқадим.

Ёнимга судралиб келиб бир ***илон***
Кўзойнак остидан боқди, пайқадим.
Қувди ёлғиз ўша ҳамхонамни у
Қувди париларни қувган дев каби.
Ҳуркитиб юбориб парвонамни у
Бўйнимга ўралиб олди:
Мени сев. (Муҳаммад Юсуф)

Инсон ҳайвон номи орқали тавсифланганда, унга ижобий ёки салбий бўёқ берилади, қисқача қилиб айтганда, киши баҳоланади. Ҳалқнинг этник қарашларига кўра коннотатив маънога эга ҳайвон номлари ижобий ёки салбий баҳоли зоонимларга ажратилади. Инглиз тилидаги ***sheep*** сўзи *(someone who does the same thing same as everyone else without thinking about it)* ўйламасдан иш қиладиган кишига нисбатан салбий баҳода ишлатилса, аксинча, унинг ўзбек тилидаги муқобили ***қўй*** лексемаси *ювошлик, итоаткорлик, юмшоқлик, ҳуркаклик* каби ижобий баҳоли маъноларни беради. *(қўйдай ювош).*

...Душман битта мина отиб, ўн битта ўзбекни қийма-қийма қилсин, бомба ташлаб, дядя Васянинг ичагини бошига салла қилиб қўйсинда, мен ***қўйдек ювош, мусичадек беозор*** *бўлиб тураверайми*! (Ўткир Ҳошимов. Икки эшик ораси., 192-бет).

Зоонимларда инсон хусусиятларини тавсифлаш билан бирга, ундалмалик (вокативлик) хусусияти ҳам кўзга ташланади. Бундай пайтларда зоонимлар салбий ёки ижобий мурожаат ва муносабатни ифодалаш воситаси бўлиб келади. *You,* ***young dog****! … What fat cheeks you have…* (Charles Dickens). *Йўқол ҳаммаларинг, йўқол номус, юрак ўғрилари, кўзимдан йўқол! Қассоблар, бағри қора* ***калтакесаклар****!…* (Ҳамза).

Зоонимларнинг асосий семантик вазифаси сўзловчининг бадиий ниятини талқин қилишда иштирок этиб, ифодаланаётган фикрнинг жозибали, теран чиқишини таъминлаш, ўхшатилаётган одамнинг белги хусусият-ларини бўрттириб, ажратиб кўрсатишдан иборат.

Биз дефинцион анализ ҳамда матн таҳлили методларидан фойдаланган ҳолда инсон тавсифини берувчи зоонимларни гендер нуқтаи назардан қуйидаги турларга ажратдик.

1. Киши тавсифида нейтрал, яъни ҳам аёлга ҳам эркакка тенг қўлланувчи зоонимлар – ***goose*** (*silly peron*), ***shark*** *(someone who gets money by cheating people),* ***donkey*** *(stupid person),* ***pig*** *(someone who behaves in an unpleasant way),* ***bull*** *(someone who expects the price of share to rise and buy them and later to sell at a profit),* ***kooky*** *(someone silly or strange),* ***chicken*** *(someone who is not enough to do something),* ***duck*** *(someone who you like to speak with),* ***hawk*** *(a politician who prefers using military force to more peaceful methods),* ***skunk*** *(extremely unpleasant person),* ***fleabag*** *(someone who is dirty or has a bad reputation),* ***dove*** *(a politician who wants to use peaceful methods to solve problems rather than fighting),* ***pigeon*** *(someone who is pigeon has a chest that sticks out in an unusual way),* ***parrot*** *(someone who copies or repeats waht someone says without thinking about it or understanding it properly),* ***ostrich*** *(someone who pretends that an unpleasant situation or problem does not exist),* ***mule*** *(someone who id paid to bring illegal drugs into a country by hiding them into their body)*

2. Аёлларга нисбатан қўлланувчи коннотатив маънога эга зоонимлар – ***bull-dyke*** *(offensive word for a gay woman whose appearance or behaviour is considered to be typically male),* ***butterfly*** *(a woman who keeps changing from one activity or person to another and never stays long with any of them),* ***bitch*** *(an insulting word for a woman who is cruel and rude),* ***filly*** *(a young woman),* ***fishwife*** *(a woman who speaks rudely in a loud noise),* ***mutton*** *(an offensive word for describing woman who is dressed in a way that is more suitable for a younger person),* ***toad*** *(unpleasant woman),* ***cow*** *(stupid or unkind woman),* ***vixen*** *(unpleasant woman).*

3. Эркакларга нисбатан қўлланувчи коннотатив маънога эга зоонимлар –***lion*** *(a powerful, impressive and brave man),* ***gorilla*** *(a big man who seems stupid and violent),* ***elephant*** *(very large, slow and not graceful man),* ***goat*** *(an insulting word for an old man, especially one who shows a great sexual interest in women****),*** ***jackass*** *(an insuting word for a stupid male),* ***ape*** *(an insulting word for a man who is rude or stupid),* ***beast*** *(a cruel or immoral man),* ***ox*** *(very strong and powerful man),* ***pup*** *(a rude or unpleasant young man),* ***pussy*** *(an insulting word for a man who is not strong, brave or determined).*

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тили лексиконида гендер нуқтаи назардан нейтрал ҳисобланган зоонимлар айнан аёл ёки эркакларга нисбатан қўлланувчи зоонимларга қараганда кўпчиликни ташкил қилади. Кейинги ишларимизда инглиз ва ўзбек тилларидаги инсонни тавсифловчи зоонимларни гендер тилшунослиги нуқтаи-назардан, хусусан, тилда коннотатив маънога эга ҳайвон номларини айнан эркак ёки аёлга нисбатан қўлланиш ҳолатларини ҳамда ушбу қўлланилишда когнитив, прагматик, ва миллий-маданий омилларнинг таъсири қай даражада эканлигини аниқлаймиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ю.П.Лясота. Английская зоосемия.- М.: Просвещение, 1977
2. Р.Вагнер. Семантика и синтаксис русских народных примет с компонентом «зооним»: в зеркале английских примет: Дисс... канд. филол. накук.- Казань, 2008
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.-Т.: Шарқ, 1998
4. Macmillan English Dictionary.- Malaysia, 2006

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети,
2011 йил 11 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)